

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD. 03/30.12.2019.В.05.03 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛБОВ БАҲРОМЖОН ЭРНАНАЗАРОВИЧ

ЗОМИН КОНУС ӢЙИЛМАСИ СУҒОРИЛАДИГАН
ТУПРОҚЛАРИНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ

03.00.13–Тупроқшунослик

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БӢЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона-2022

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
биологическим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
biological sciences**

Холбоев Бахромжон Эрнаназарович

Зомин конус ёйилмаси суғориладиган тупроқларининг мелиоратив
ҳолати..... 3

Холбоев Бахромжон Эрнаназарович

Мелиоративное состояние орошаемых почв Зааминского конуса
выноса..... 21

Kholboev Bakhromjon Ernanazarovich

Meliorative state of irrigated soils in Zaamin discharge cone..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD. 03/30.12.2019.В.05.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛБОВ БAHРМЖОН ЭРНАНАЗАРОВИЧ

ЗОМИН КОНУС ЁЙИЛМАСИ СУҒОРИЛАДИГАН
ТУПРОҚЛАРИНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ

03.00.13–Тупроқшунослик

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона-2022

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/B224 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Гулистон давлат университетидида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Фарғона давлат университети ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Аҳмедов Алмон Усмонович
кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: Турдалиев Авазбек Турдалиевич
биология фанлари доктори, доцент
Собитов Ўлмасбой Тожахмедович
биология фанлари фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим


Етакчи ташкилот: Самарканд давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.B.05.03 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил « 20 » 08 соат 10⁰⁰ даги онлайн мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси 19-уй. Тел.: (+998) 73-244-44-02; факс: (998)73-244-44-93; e-mail: fardu_info@umail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (126 -рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 150100, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси 19-уй. Тел.: (+998)73-244-44-94.

Диссертация автореферати 2022 йил « 06 » 08 кунни тарқатилди.
(2022 йил « 06 » 08 даги № 6 рақамли реестр баённомаси).




Ф.Юлдашев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор


У.Б.Мирзасев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н., доцент


М.Т.Исағалиев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда «Ambio» журналининг маълумотларига кўра «ҳар йили ҳайдаладиган ерларнинг 1/3 қисми турли деградация жараёнларига учрайди ва ишлаб чиқаришдан бегоналашиб кетади. Ҳар йили 2 млрд. тоннага яқин ювилган тупроқлар дарё оқимлари билан океанларга олиб кетилади, 500 млн. гектар тупроқлар эрозияланган, суғориладиган ерларнинг қарийиб 40-60 фоизи турли даражада шўрланган, 25 млн. гектарга яқин ерлар ҳар йили саҳроларга айланиб бормоқда»¹. Шу боисдан деградацияга учраган ерларнинг экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш, минераллашган сизот сувлари сатҳини, критик чуқурлигини пасайтириш, шўрланган ерлар майдонларини қисқартириш, унумдорлигини тиклаш ва ошириш бўйича илмий асосланган тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда тупроқларнинг келиб чиқиши, деҳқончилик таъсирида ўзгаришини аниқлаш ва уларнинг экологик-мелиоратив нуқтаи назардан баҳолаш, тупроқ унумдорлиги ва экинлар маҳсулдорлигини ошириш бўйича бир қатор фундаментал йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, тупроқларнинг шўрланиш сабабларини аниқлаш, тупроқ қатламларида тузлар тўпланиши ва захираларининг шаклланиш динамикасини тадқиқ этиш, ўсимликларга салбий таъсир этувчи захарли тузларни миқдори ва захираларини аниқлаш, тупроқ шўрланиши картограммаларини тузиш, улар асосида шўр ювиш меъёрлари ва муддатлари, иккиламчи шўрланишнинг олдини олишга қаратилган илмий-тадқиқотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда республикамизда суғориладиган ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини сақлаш, ошириш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича давлат дастурлари доирасида кенг кўламли мелиорация тадбирлари ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда ва муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган агротехнологияларни жорий этиш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, республикамизда тупроқларнинг хосса-хусусиятларини атрофлича ўрганиш, деградация жараёнларини бартараф этиш, унумдорлигини сақлаш ва ошириш, шўрланиш жараёнларининг олдини олишга қаратилган илмий-амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

¹www.fao.org

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони ва 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3024-сон «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2019 йил 17 июндаги ПФ-5772-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 январдаги 25-сон «Фермер хўжаликларининг ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш ва қўшимча даромад олишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мирзачўлнинг жанубий тоғ олди худудлари (Жиззах чўли), жумладан Зомин конус ёйилмаси тупроқларининг шўрланиш генезиси, сабаблари, тузларнинг ҳаракатланиши, қайта тақсимланиши ва тўпланиши, тузлар миграциясининг умумий қонуниятлари, сизот сувлари режими ва баланси, иккиламчи шўрланиш ва мелиорация масалаларини ўрганиш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Бундай тадқиқотлар хорижлик ва ўзбекистонлик олимлардан М.А.Панков, Б.В.Горбунов, Е.И.Панкова, З.М.Муротова, С.С.Кочубей, И.А.Ямнова, А.Г.Никольский, М.П.Верба, Б.А.Зимовец, М.М.Крилов, Н.А.Кенесарин, О.К.Комилов, Л.А.Гафурова, А.У.Ахмедов, Х.К.Намозов, О.Р.Рамазонов, С.А.Абдуллаев, Н.Н.Ходжибаев, Х.Т.Тулаганов, З.М.Мамирбаева, З.З.Абдушукурова, Д.Ю.Махкамова, В.Х.Шеримбетовлар томонидан олиб борилган, лекин суғориш таъсирида тупроқларнинг экологик-мелиоратив ҳолатини, сувда эрувчи тузлар динамикасини қиёсий баҳолаш бўйича илмий-тадқиқотлар етарлича ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Гулистон давлат университети илмий тадқиқот ишлари режаларининг ИОТ-2013-5-41 рақамли «Сизот сувлари сатҳи ва минерализациясини ўсимлик ресурслари ёрдамида пасайтириш технологиясини жорий этиш» (2016-2018 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Зомин конус ёйилмаси худуди суғориладиган тупроқларининг хосса-хусусиятларидаги ўзгаришларни аниқлаш ва қиёсий

таққослаш асосида тупроқ-мелиоратив ҳолатини баҳолаш, унумдорлигини сақлаш ҳамда уларни яхшилашга қаратилган илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Зомин конус ёйилмаси тупроқларининг механик таркиби, агрокимёвий, физик-кимёвий хоссалари ва тупроқ-мелиоратив ҳолати ва шароитларини аниқлаш;

Зомин-Ховос конуслараро пастқамлигида тарқалган шўртобли-шўрхоклашган тупроқларининг келиб чиқиш генезиси, сабаблари, тупроқ ҳосил қилувчи омиллари, шунингдек ҳудуд табиий шароитларини қиёсий таҳлил қилиш;

тадқиқот объекти ўтлоқи-бўз, бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларининг шўрланиш даражаси ва типлари, тузлар миқдори ва захираларини аниқлаш;

сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги, минераллашганлик даражаси ва кимёвий таркибини аниқлаш;

ҳудуд тупроқ-мелиоратив ҳолатини (шароитларини) баҳолаш;

шўрланишнинг олдини олиш, тупроқ-мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўрланган ерлардан самарали фойдаланишга, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишга қаратилган чора-тадбирлар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Зомин конус ёйилмаси ҳудудида тарқалган турли даражада шўрланган, кўриқ ўтлоқи-бўз ва суғориладиган ўтлоқи-бўз, бўз-ўтлоқи, ўтлоқи тупроқлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети тупроқларнинг турли хил даражада маданийлашиши, шўрланиши, гипслашиши, шўртоблашиши ҳамда механик таркиби, агрокимёвий, физик-кимёвий ва мелиоратив хоссалари, тузлар таркиби, миқдори ва захиралари, сингдириш сифими ва сингдирилган катионлар таркиби, сизот сувлари параметрлари, турли мавзули хариталар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала ва лаборатория-камерал тадқиқотлари тупроқшуносликда умумқабул қилинган стандарт услублар бўйича амалга оширилган. Изланишларда қиёсий-географик, кесма, кимёвий-аналитик, камерал-таҳлилий усулларида фойдаланилган. Дала-тупроқ ишлари «Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш бўйича йўриқнома» асосида олиб борилган. Тупроқларнинг кимёвий, физик-кимёвий, агрокимёвий ва мелиоратив таҳлиллари «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», «Руководство по химическому анализу почв» ҳамда «Руководство к проведению химических и агрофизических анализов почв при мониторинге земель» қўлланмаларида кўрсатилган услубларда, тупроқдаги захарли тузлар миқдори ва захиралари ва сизот сувларининг шўрланиши типи Н.И.Базилевич ва Е.И.Панковалар таклиф этган тасниф ҳамда Н.Г.Минашининг сувли сўримдаги захарли тузлар йиғиндисини аниқлаш

номограммаси бўйича, олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлиллари Б.А.Доспехов усулида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Зомин конус ёйилмаси суғориладиган бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларининг асосий хоссалари, ҳозирги мелиоратив ҳолати суғориш таъсирида гидроморфизм жараёни кучайиб, тузлар захирасининг (344,8 т/га дан 532,9 т/га гача ва 469,7 т/га дан 617,9 т/га гача) ортиб бориш ҳолатлари исботланган;

Зомин конус ёйилмаси суғориладиган ўтлоқи ва ўтлоқи-шўрхоклашган тупроқлари ҳайдов қатламида гипс, захарли тузлар йиғиндиси суғориш даврига боғлиқ ҳолда камайиши, карбонатлар миқдори эса ортиши аниқланган;

тупроқларнинг шўрланиш жараёнида турли захарли ва захарсиз тузлар тўпланиши, шўрланиш даражаси ортиб борган сари натрий ва унга параллел равишда хлор ионининг ҳам ортиб бориши борасидаги корреляцион боғланишлар исботланган;

тупроқларнинг шўрланиш даражаси ва типларининг суғориш таъсирида ўзгариши, тупроқ профилидаги умумий ва захарли тузлар миқдори ва захираларининг тўпланиш сабаблари қиёсий таҳлиллар асосида очиб берилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қўриқ ўтлоқи-бўз ва суғориладиган ўтлоқи-бўз, бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи турли даражада шўрланган, шўрхоклашган ва шўртоблашган тупроқларнинг 1:25000 миқёсли «Тупроқлар механик таркиби», «Сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги», «Тупроқ шўрланиши» хаританомалари тузилган ва шу хариталар асосида шўр ювиш меъёрлари ва муддатлари асосланган;

тупроқларнинг экологик-мелиоратив ҳолати баҳоланган, уларни яхшилашга, унумдорлигини оширишга, шўртобланиш ва шўрхокланиш жараёнларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, илмий ечимлар, тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотларнинг умумқабул қилинган дала, лаборатория ва камерал-таҳлилий усуллардан фойдаланилган ҳолда бажарилганлиги, олинган назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига уйғунлиги, илмий асосланганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги, математик-статистик таҳлил қилинганлиги, шунингдек олинган натижалар халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг аниқлиги ва ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қўриқ ўтлоқи-бўз ва суғориладиган бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларининг шўрланиши, шўртобланишидаги геохимёвий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари, тупроқ-мелиоратив

ҳолатининг турли йиллардаги ўзгариш динамикаси қонуниятларининг очиб берилганлиги, тупроқлар кесмасидаги тузлар таркиби, миқдори ва захиралари асосида мелиоратив ҳолатининг баҳоланганлиги, шўрланишнинг олдини олишда, тупроқлар унумдорлигини оширишда мелиорация усулларида тўғри фойдаланиш зарурлигининг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Зомин конус ёйилмаси тупроқлари учун тузилган «Тупроқлар механик таркиби», «Тупроқ шўрланиши» ва «Сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги» хариталари ва берилган тавсиялар, тупроқ шўрланиши ва унумдорлик даражасини баҳолашда, суғориладиган ерларнинг шўрланишдан муҳофазалашда, тупроқлар ҳолатини яхшилашга қаратилган мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишда, ер ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган чора-тадбирлар белгилашда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Зомин конус ёйилмасида суғориладиган тупроқларининг ҳозирги мелиоратив ҳолати бўйича олинган илмий натижалар асосида:

шўрланиш ва шўртобланиш жараёнларининг олдини олиш, тупроқлар унумдорлиги ва маҳсулдорлиги ҳамда экинлар ҳосилдорлигини ошириш бўйича тадқиқот натижалари, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Зомин туманидаги «Михлибой ота даласи», «Танҳо тут» ва «Икром шижоати» фермер хўжаликларининг 124 гектар ер майдонларида жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 16 декабрдаги 02/022-2-4406 сон маълумотномаси). Натижада, ушбу маълумотлар асосида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва муҳофазалаш ҳамда шўрланиш ва шўртобланиш жараёнининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини берган;

Зомин конус ёйилмаси тупроқларининг 1:25000 миқёсда тузилган «Тупроқлар механик таркиби», «Тупроқ шўрланиши» ва «Сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги» хариталари юқорида кўрсатилган фермер хўжаликларида амалиётга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 16 декабрдаги 02/022-2-4406 сон маълумотномаси). Натижада, ушбу картографик материаллар асосида фермер хўжаликлари ер майдонларини табақалаштириб суғориш, шўр ювиш, ўғитлаш, агротехник ва агромилиоратив тадбирларини мақбуллаштирилишига эришилган;

Зомин тумани «Танҳо тут» фермер хўжалигининг шўртобли-шўрхоқ ўтлоқи-бўз тупроқларида 1:25000 масштабда «Тупроқ шўрланиши» ва «Механик таркиби» хариталари амалиётга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 16 декабрдаги 02/022-2-4406 сонли маълумотномаси). Натижада, мазкур хариталар Зомин конус ёйилмаси фермер хўжаликлари тупроқлари мелиоратив ҳолатида содир бўладиган ўзгаришларни кузатиб бориш (мониторинг қилиб бориш) ҳамда тупроқлар муҳофазасига доир масалаларга аниқликлар киритиб боришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та, жумладан, 6 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот усуллари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Мирзачўл ва Жиззах чўли тупроқларининг ўрганилганлик даражаси**» (адабиётлар таҳлили) деб номланган биринчи бобида, Ўзбекистон ва чет эл олимларининг турли минтақаларда амалга оширган изланишлари, шунингдек, тадқиқот мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, Жиззах чўли, жумладан, Зомин конус ёйилмаси ўтлоқи-бўз, бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларининг хосса-хусусиятлари, шўрланиш-шўрсизланиш жараёнлари, тузлар миқдори ва захиралари ҳамда бу ҳудудда тарқалган шўртобли-шўрхок тупроқларининг келиб чиқиш генезиси, шаклланиши, шўртобланишнинг асосий сабаблари ва омиллари, бу тупроқларнинг ўзига хос морфогенетик белгиларини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари ҳамда интернет маълумотлари келтирилган. Шўртобли-шўрхок тупроқларни чуқур ўрганиш ва улар майдонларини аниқлаш бўйича махсус тадқиқотлар ўтказиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объектининг тупроқ ҳосил қилувчи омиллари ва табиий-географик шароитлари**» деб номланган иккинчи бобида, Жиззах чўли ва Зомин конус ёйилмасининг географик жойлашиш ўрни ва ҳудуд тўғрисидаги умумий маълумотлар, шунингдек иқлими, рельефи, геоморфологик ва литологик тузилиши, гидрогеологик шароитлари ва инсон фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ёритилган.



1-расм. Тадқиқот объектининг умумий кўриниши

Шу бобнинг тадқиқот объекти ва услублари деб номланган бўлимида, Зомин конус ёйилмаси ҳудудидаги жанубда Туркистон тоғ тизмасининг шимолий тоғ олди нишабли текисликларининг ўрта қисмларидан (абсолют баландлик 410-415 м), шимолда Жанубий Мирзаҷўл каналигача (310-315 м) бўлган ҳудудда тарқалган ўтлоқи-бўз, бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларида кесмалар қўйиш ва узунлиги тахминан 13-14 км бўлган жануб-шимол йўналишидаги створда тупроқ кесмаларини профили жойлаштириш йўли билан амалга оширилган (1 ва 2-расмлар).



2-расм. Зомин конус ёйилмасининг жануб-шимол йўналишида қўйилган створда тупроқ кесмаларининг жойлашиш ўрни чизмаси

Дала тупроқ ишлари ва камерал-аналитик тадқиқотлар ЎзПТИИ ва ТАИТИ институтларида ишлаб чиқилган ва умумқабул қилинган услубларда (2016-2018 йй.) амалга оширилган. Бу бобда шунингдек фойдаланилган, бир қатор такомиллаштирилган классификациялар ҳам келтирилган.

Диссертациянинг «**Ҳудуд тупроқларининг умумий тавсифи**» деб номланган учинчи бобида, Зомин-конус ёйилмасида тарқалган ўтлоқи-бўз, бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларининг асосий хоссалари, ҳозирги мелиоратив ҳолати, шўртобли-шўрхоклашган тупроқларнинг келиб чиқиш генезиси ва тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари, тупроқлардаги гумус ва озика элементлари миқдори, шўрланиш даражаси ва типлари тупроқ профилидаги умумий ва заҳарли тузлар миқдори ва захиралари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган, тадқиқот объектлари тупроқларининг ҳозирги экологик-мелиоратив ҳолати баҳоланган.

Шўртобли-шўрхоқ ўтлоқи-бўз тупроқлари, келиб чиқиши генезисига кўра, яримгидроморф сув режимидаги кучсиз ишқорлашган сульфат-натрий-магнийли ер ости сувларининг мавсумий-даврий кўтарилиши ва пасайиши ҳамда ётқизиклар таркибининг ўзига хос хусусиятлари, жумладан тупроқ эритмасида ишқорийликнинг ошишига ва тупроқда шўртобланиш ходисасининг кучайишига олиб келувчи “Сода” нинг ҳосил бўлиши билан боғлиқ. Бу кам ғоваклик (35-39%), оғир механик таркиб (оғир қумоқ ва лой), юқори ишқорийлик (рН 9,1-9,3), юқори сингдириш сиғими (100 г тупроқда 22-27 мг-экв. гача), катионлар таркибида сингдирилган Na нинг (71-78% гача) устунлиги, магний-натрийнинг юқори миқдорлари, сульфат-магний-натрийли шўрланиш типи ва бошқа алоҳида хусусиятларга эга. Шўртобли-шўрхоқ ўтлоқи-бўз тупроқларининг сингдириш сиғими тўғрисидаги маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

Шўртобли-шўрхоқ ўтлоқи-бўз тупроқларининг сингдириш сиғими ва сингдирилган катионлар таркиби

Кесма №	Чуқурлик, см.	Ca	Mg	K	Na	Катионлар йиғиндиси, мг-экв.	Ca	Mg	K	Na
		100 г. тупроқда мг-экв.					Йиғиндига нисбатан %			
1	0-25	4,20	3,60	1,76	8,86	18,42	22,80	19,54	9,56	48,10
	25-55	2,60	2,48	1,52	18,64	25,24	10,30	9,83	6,02	73,85
	55-78	1,58	2,74	1,66	14,45	20,43	7,73	13,41	8,11	70,75
	78-105	0,72	3,04	1,82	12,21	17,79	4,05	17,09	10,23	68,63
2	0-28	3,46	3,24	1,72	10,56	18,98	18,23	17,07	9,06	55,64
	28-57	2,85	2,58	1,84	18,68	25,95	10,98	9,94	7,10	71,98
	57-72	1,64	4,34	1,93	15,72	23,63	6,94	18,38	8,16	66,52
	72-90	1,44	3,46	1,59	17,26	23,75	6,06	14,57	6,69	72,68
3	0-5	3,86	1,94	1,80	5,81	13,41	28,78	14,47	13,43	43,32
	5-25	2,54	3,26	1,60	9,53	16,93	15,00	19,25	9,45	56,30
	25-54	1,72	1,96	1,26	18,16	23,10	7,45	8,48	5,46	78,61
	54-84	1,76	4,54	1,77	17,56	25,63	6,86	17,71	6,92	68,51


Тавсифланаётган ўтлоқи-бўз тупроқларидаги сувда осон эрувчи тузлар миқдори жуда баланд. Тузларнинг максимал юқори кўрсаткичлари устки 0-2 метрлик қатламда жойлашган, умумий тузлар миқдори қуруқ қолдиқ бўйича 1,127-3,690% кўрсаткичларида кузатилади. Шўрланиш типи асосан сульфатли ва хлорид-сульфатли (2-жадвал).

Шўртобли-шўрхоқ тупроқларнинг литологик тузилиши, тузли профили чизмаси ва умумий тузлар захираси ва сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги маълумотлари 3-расмда келтирилган.

Бу тупроқлардаги сувда осон эрувчи тузлар захираси ҳудуднинг табиий шароитлари ва тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларига боғлиқ холда, турлича миқдорий кўрсаткичларда ўз ифодасини топган. Тупроқларнинг устки 0-2 метрли қатламидаги умумий тузлар захираси 539-801 тонна, шундан заҳарли тузлар захираси 474-704 тонна, устки 0-1 метрли қатламда мос равишда 214-378 ва 182-318 тонна кўрсаткичларида кузатилади (3-расм).

Шўртобли-шўрхок ўтлоқи-бўз тупроқларидаги умумий ва захарли тузлар миқдори, шўрланиш даражаси ва типлари

Кесма №	Чуқурлик, см	Курук колдик	HCO ₃ ⁻	Cl ⁻	SO ₄ ⁻²	Ca ⁺²	Mg ⁺²	Na ⁺	Шўрланиш		Захарли тузлар йиғиндиси %
									типи	даражаси	
3	0-5	0,984	0,061	0,066	0,505	0,125	0,037	0,077	с	кучсиз	0,816
	5-25	1,127	0,057	0,024	0,694	0,240	0,018	0,053	с	ўртача	0,852
	25-54	1,473	0,082	0,083	0,839	0,025	0,012	0,437	с	ўртача	1,207
	54-84	1,580	0,035	0,138	0,891	0,015	0,009	0,491	с	ўртача	1,390
	84-118	2,238	0,016	0,342	1,357	0,090	0,054	0,572	х-с	шўрхок	2,058
	118-160	2,621	0,016	0,308	1,446	0,070	0,043	0,733	х-с	шўрхок	2,411
	160-200	1,866	0,015	0,102	1,047	0,260	0,052	0,178	с	ўртача	1,604
	200-250	1,421	0,016	0,046	0,794	0,220	0,017	0,132	с	ўртача	1,065
1	250-300	1,112	0,021	0,166	0,562	0,210	0,012	0,121	х-с	кучли	1,000
	0-25	1,074	0,062	0,031	0,637	0,162	0,038	0,072	с	ўртача	0,859
	25-55	1,312	0,068	0,034	0,767	0,222	0,015	0,110	с	ўртача	1,076
	55-78	2,631	0,066	0,308	1,446	0,070	0,043	0,733	х-с	шўрхок	2,394
	78-105	3,690	0,023	0,430	1,937	0,248	0,087	0,764	с	шўрхок	3,194
	105-135	3,264	0,017	0,270	1,830	0,255	0,070	0,629	х-с	шўрхок	2,905
	135-170	2,166	0,010	0,084	1,263	0,180	0,034	0,392	с	кучли	1,841
	170-200	1,412	0,010	0,044	0,869	0,280	0,021	0,083	с	ўртача	1,157
	200-250	1,290	0,010	0,036	0,770	0,260	0,034	0,021	с	ўртача	1,083
250-300	1,068	0,013	0,032	0,756	0,155	0,036	0,132	с	ўртача	0,886	



3-расм. Шўртобли-шўрхок ўтлоқи-бўз тупроқларнинг литологик тузилиши, тузли профили, умумий тузлар захираси ва сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги

Янгидан суғориладиган шўртобланилмаган ва кучсиз шўртобланилган ўтлоқи-бўз тупроқлари турлича механик таркибдан иборат бўлиб, асосан оғир ва енгил кумоқлардан ташкил топган, физик лой (<0,01 мм) заррачаларининг миқдори енгил кумоқларда 21,4-25,5% дан, оғир кумоқларда 48,1-53,0%, лойларда 61,8-78,5% гача бўлган миқдорларда тебраниб, механик элементлар орасида йирик чанг (0,05-0,01мм) заррачалари устунлик қилади, иль заррачалари айрим горизонтларни ҳисобга олмаганда 6,2-7,5% дан 18,5-20,7% гача миқдорларни ташкил этади.

Янгидан суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари асосан турли даражада шўрланган бўлиб, улар орасида ўртача ва кучли шўрланган айирмалари катта майдонларни эгаллайди (3-жадвал).

Тузли горизонтларининг тупроқ профилида жойлашиш чуқурлиги, қатлам қалинлиги ва шўрланиш даражасига кўра, ўрганилган тупроқларда шўрланишнинг шўрхок ва шўрхокли (тузларнинг максимал миқдори 0-30 см лик қатламда), юқори шўрхоклашган (30-50 см да), шўрхоклашган (50-100 см да), чуқур шўрхоклашган (100-150 см да) ва чуқур шўрланган (150-200 см да) турлари кузатилади. 3-жадвалдаги 5-кесма «Профилли» шўрланиш туридан иборат бўлиб, тупроқнинг энг устки қатламларидан 300 см лик чуқурликгача (грунт сувларигача) тузларнинг деярли бир хил юқори миқдори кузатилади. Шўрланиш типи барча ҳолатларда хлорид-сульфатли.

3-жадвал.

Янгидан суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқларидаги умумий тузлар миқдори, шўрланиш даражаси ва типлари


Кесма №	Чуқурлик см.	Куруқ қолдик	НСО ₃ ⁻	Сl ⁻	SO ₄ ⁻²	Ca ⁺²	Mg ⁺²	Na ⁺	Шўрланиш	
		%							типи	даражаси
5	0-30	0,962	0,023	0,149	0,501	0,201	0,011	0,066	х-с	ўртача
	30-55	1,274	0,017	0,141	0,674	0,250	0,029	0,061	х-с	кучли
	55-95	1,284	0,018	0,141	0,764	0,156	0,025	0,195	х-с	кучли
	95-125	1,302	0,016	0,114	0,739	0,272	0,017	0,086	х-с	кучли
	125-170	1,312	0,019	0,128	0,784	0,210	0,035	0,096	х-с	кучли
	170-200	1,176	0,016	0,142	0,606	0,144	0,036	0,137	х-с	кучли
	200-250	1,258	0,020	0,139	0,702	0,200	0,034	0,120	х-с	кучли
250-300	1,222	0,021	0,139	0,663	0,246	0,020	0,075	х-с	кучли	
6	0-32	0,982	0,021	0,107	0,547	0,222	0,018	0,033	х-с	ўртача
	32-73	1,190	0,021	0,108	0,654	0,248	0,043	0,044	х-с	кучли
	73-103	1,266	0,018	0,116	0,647	0,280	0,035	0,037	х-с	кучли
	103-150	1,202	0,024	0,110	0,710	0,270	0,035	0,042	х-с	кучли
	150-200	1,172	0,022	0,108	0,690	0,260	0,026	0,038	х-с	кучли
	200-250	0,604	0,017	0,057	0,360	0,090	0,015	0,082	х-с	ўртача
	250-300	1,321	0,019	0,138	0,708	0,234	0,042	0,068	х-с	кучли

Тавсифланаётган тупроқларнинг литологик тузилиши ва тузли профили акс этган чизмаси 4-кесма мисолида ва тупроқлардаги умумий тузлар захираси ва сизот сувлари чуқурлиги 4-расмда келтирилган.

Бу тупроқларда ҳам умумий ва захарли тузлар захиралари жуда катта миқдорларни ташкил этади. Тупроқнинг устки 0-5 метрлик қатламларида умумий тузлар захираси 364-931 тоннани, захарли тузлар захираси эса 237-614 тоннани, шундан устки 0-3 метрлик қатламда 246-525 ва 160-346 тоннани, устки 0-1 метрлик қатламда эса мос равишда 160-200 ва 102-130 тоннани ташкил этади.

Янгидан суғориладиган ўтлоқи тупроқлари юқорида тавсифланган ўтлоқи-бўз тупроқларидан грунт-капилляр намланиб туришининг нисбатан юқори даражаси, янада кучлироқ гидроморфлашганлиги ва тузли жараёнларни нисбатан жадалроқ кечиши билан фарқланади. Механик

таркибига кўра, мазкур тупроқлар алмашилиб келувчи оғир, ўрта ва енгил механик таркибли қатламлардан иборат.



4-расм. Янгидан суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқларнинг литологик тузилиши, тузли профили, умумий тузлар захираси ва сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги

Тупроқларнинг устки ҳайдалма қатламларидаги гумус миқдори 0,731-1,345% ни, умумий азот 0,063-0,120% ни ташкил этади, уларнинг илдиз озикланиш қатламидаги захиралари мос равишда 30,2-57,7 ва 4,9-8,8 тонна кўрсаткичларида қайд қилинди.

Тавсифланаётган бўз-ўтлоқи тупроқларининг сингдириш сиғими 100 г. тупроқда 11-14 мг-экв.ни ташкил этади (4-жадвал).

Сингдирилган кальций миқдори сингдирилган асослар йиғиндисидан 35-62% ни, магний 33-46% ни, калий 0,8-7,22% ни ва сингдирилган натрий миқдори 4-6% дан 13-16% гача бўлган миқдорни ташкил этади, амалдаги классификацияга кўра кучсиз (5-10%) ва баъзан ўртача (10-20%) шўртоблалган тупроқлар гуруҳларига мансуб.

4-жадвал.


Янгидан суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларининг сингдириш сиғими ва сингдирилган катионлар таркиби

Кесма №	Чуқурлиги, см	Ca	Mg	K	Na	Катионлар йиғиндисидан (мг-экв)	Ca	Mg	K	Na
		100 г. тупроқда мг-экв					Йиғиндига нисбатан, %			
8	0-30	5,56	4,77	0,26	0,75	11,34	49,03	42,06	2,30	6,61
	30-54	5,09	4,61	0,46	1,52	11,68	43,58	39,5	3,92	13,00
	54-92	4,61	6,04	0,41	2,00	13,06	35,30	46,25	3,14	15,31
	92-136	4,61	5,24	0,64	2,00	12,49	36,90	42,0	5,10	16,00
	136-190	4,93	6,20	1,03	2,10	14,26	34,57	43,48	7,22	14,73
9	0-30	6,18	4,61	0,82	0,98	12,59	49,08	36,62	6,52	7,78
	30-56	6,51	3,97	0,45	0,72	11,65	55,88	34,09	3,86	6,18
	56-95	6,36	4,29	0,44	1,17	12,26	52,00	34,9	3,60	9,50
	95-135	6,20	4,61	0,10	1,17	12,08	51,32	38,16	0,84	9,68
	135-160	8,32	4,45	0,13	0,52	13,42	62,00	33,16	0,97	3,87

Янгидан суғориладиган «Профилли» шўрланган бўз-ўтлоқи тупроқларининг литологик тузилиши ва тузли профилининг чизма ифодаси ва сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги 5-расмда ўз аксини топган.

Мазкур тупроқларнинг устки 0-2 метрлик қатламидаги умумий тузлар захираси гектарида 344,8-444,7 тоннани ташкил этади, айрим тупроқ кесмаларида бу миқдор 532,9 тоннагача етади, шундан тупроқларнинг устки

0-1 метрлик қатламида 167,2-280,2 тонна микдорларида қайд этилди. Шу қатламдаги захарли тузлар захираси мос равишда 279,2-455,1 ва 134,1-238,4 тоннани ташкил этади.



5-расм. Бўз-ўтлоқи тупроқларнинг литологик тузилиши, тузли профили, умумий тузлар захираси ва сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги

Тупроқлар турли даражада шўрланган, шўрланиш даражаси ва типлари ҳамда тузли горизонтларнинг тупроқ профилида жойлашиш чуқурлигига кўра, турли вариантларини ажратиш мумкин. Устки қатламлар кучли ва жуда кучли даражада, пастки қатламлар (200-250 см) ўртача ва кучсиз даражада шўрланган. Тузлар микдори устки горизонтларда 1,618-1,818% дан 2,163-2,376% гача тебраниб туради (5-жадвал). Шўрланиш типи асосан сульфатли, устки горизонтлари хлорид-сульфатли.

5-жадвал.

Зомин конус ёйилмаси бўз-ўтлоқи тупроқларидаги сувда осон эрувчи тузлар микдори, шўрланиш даражаси ва типлари

Кесма №	Чуқурлиги, см	Курук қолдиқ	HCO ₃ ⁻	Cl ⁻	SO ₄ ⁻²	Ca ⁺²	Mg ⁺²	Na	Шўрланиш		тузлар йиғиндиси,
									типи	даражаси	
8	0-30	2,236	0,020	0,217	1,245	0,275	0,037	0,357	х-с	шўрхок	2,012
	30-54	2,163	0,011	0,172	1,275	0,260	0,043	0,346	с	кучли	1,860
	54-92	1,618	0,010	0,154	0,987	0,270	0,034	0,202	х-с	кучли	1,423
	92-136	1,536	0,010	0,067	0,957	0,275	0,024	0,146	с	ўртача	1,228
	136-190	1,204	0,011	0,025	0,767	0,250	0,018	0,067	с	ўртача	0,987
	190-250	0,834	0,016	0,032	0,485	0,065	0,018	0,150	с	кучсиз	0,683
9	0-30	2,376	0,017	0,223	1,311	0,335	0,039	0,321	х-с	шўрхок	2,164
	30-56	1,872	0,015	0,102	1,047	0,260	0,052	0,178	с	ўртача	1,600
	56-95	1,818	0,013	0,086	1,010	0,260	0,055	0,142	с	ўртача	1,508
	95-135	1,856	0,013	0,095	1,039	0,260	0,052	0,167	с	ўртача	1,596
	135-160	1,784	0,015	0,079	0,991	0,260	0,049	0,141	с	ўртача	1,516
	160-200	1,774	0,013	0,073	1,012	0,265	0,058	0,122	с	ўртача	1,525
	200-250	0,604	0,012	0,012	0,352	0,100	0,024	0,090	с	кучсиз	0,459


Таърифланаётган ўтлоқи тупроқларда физик лой (<0,01 мм) заррачаларининг микдори қатламлар бўйича жуда кенг ораликда 8,2-15,9 % дан 63,4-66,5% гача бўлган микдорларда тебраниб туради. Механик

элементлар орасида йирик чанг заррачалари (0,05-0,01 мм) асосий ўринни эгаллайди, иль заррачалари (<0,001 мм) 4,2-10,8% ни ташкил этади.

Ўтлоқи ва ўтлоқи-шўрхок тупроқларда сувда осон эрувчи тузларнинг миқдори ва захиралари жуда юқори. Тупроқнинг устки 0-1 метрли қатламдаги умумий тузлар миқдори ўтлоқи тупроқларида 1,630-2,792% ни 12-кесма, ўтлоқи-шўрхок айирмаларида 1,101-4,208% ни 15-кесма ташкил этади. Шўрланиш типи барча ҳолатларда сульфатли. 14-кесма бошқа кесмалардан фарқли ўлароқ, тузларнинг асосий миқдори 80 см гача бўлган қатламларда 3,687% тўпланган, пастки қатламларда кескин камаяди ва сизот сувларига туташ қатламда 0,274% ни ташкил этади: Хлор миқдори 0,023-0,093% дан ошмагани ҳолда, сульфатлар тузли қатламларда 0,767-2,224% атрофида тебраниб туради.

Янгидан суғориладиган кучли шўрланган ва шўрхоклашган ўтлоқи тупроқларининг литологик тузилиши ва тузли профилининг чизма ифодаси ҳамда сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги 6-расмда келтирилган.

Ўтлоқи тупроқларида умумий ва захарли тузлар захиралари жуда катта ораликда ва юқори миқдорларда кузатилади. Тупроқнинг устки 0-2 метрлик қатламидаги тузларнинг умумий захиралари 469,7-617,9 тоннани, шундан устки 0-1 метрлик қатламда 225,3-434,7 тоннани, захарли тузлар захираси шу қатламларда мос равишда 388,0-533,8 ва 185,2-379,2 тоннани ташкил этади (6-расм).



6-расм. Ўтлоқи-шўрхоклашган тупроқларнинг литологик тузилиши, тузли профили, умумий тузлар захираси ва сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги

Диссертациянинг «Жиззах чўли Зомин конус ёйилмаси тупроқларининг ҳозирги мелиоратив ҳолати ва уни янги адаптив ландшафт нуқтаи назардан баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида ҳудудда тарқалган шўртобли-шўрхок, турли даражада шўрланган, шўртоблашган ва гипслашган ўтлоқи-бўз, бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларининг механик таркиби, сизот сувларининг асосий параметрлари, умумий ва захарли тузлар миқдори ва захиралари маълумотлари асосида ҳудуднинг тупроқ-мелиоратив шароитлари (ҳолати) таҳлилий баҳоланган.

Ўрганилган ҳудуд (массив)лар суғориладиган ерлари тупроқлардаги сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги, минераллашганлик даражаси ва тузлар (ионлар) таркиби тўғрисидаги муаллиф томонидан олинган янги маълумотлар 6-жадвалда келтирилган.


Тадқиқотларда олинган асосий натижалар ҳамда вилоят, туман қишлоқ хўжалиги ва ер кадастри бўлимлари ва туман «мелиоратив хизмат экспедицияси» дан олинган (тўпланган) маълумотлар базасида 1:25000 масштабда тузилган Зомин конус ёйилмасининг мавзули хариталари тупроқларининг «Механик таркиби», «Сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги» ва «Тупроқ шўрланиши» мавзули хариталари шу бобда келтирилган. «Тупроқ шўрланиши» картограммаси 7-расмда ўз ифодасини топган.

6-жадвал.

Зомин конус ёйилмаси тупроқларидаги сизот (грунт) сувларининг жойлашиш чуқурлиги, минераллашганлик даражаси ва кимёвий таркиби (2016-2018 йй)

Кесма №	Чуқурлик, см	Тузлар микдори (курк қолдиқ)	Ионлар таркиби						Шўрланиш	
			НСО ₃ ⁻	Сl ⁻	SO ₄ ⁻	Са ⁺⁺	Mg ⁺⁺	Na ⁺	типи	даражаси
			г/л							
1	520	1,810	0,470	0,080	0,855	0,180	0,035	0,270	г-с	жуда кучсиз
2	490	2,368	0,336	0,105	1,120	0,210	0,073	0,352	г-с	жуда кучсиз
3	470	2,408	0,354	0,140	1,193	0,160	0,170	0,290	г-с	жуда кучсиз
4	450	3,655	0,265	0,490	1,830	0,410	0,310	0,237	х-с	кучсиз
5	500	5,305	0,340	0,209	2,864	0,330	0,197	0,884	х-с	ўртача
6	400	8,560	0,564	0,440	4,575	0,470	0,541	1,078	х-с	ўртача
7	300	9,240	0,519	1,190	4,596	0,480	0,480	1,711	х-с	ўртача
8	300	12,190	0,300	1,314	6,392	0,420	0,492	2,614	х-с	кучли
9	280	14,830	0,360	0,986	5,983	0,500	0,517	2,089	х-с	кучли
10	260	16,640	0,567	1,801	8,524	0,280	0,300	4,575	х-с	кучли
11	270	19,410	0,519	2,136	10,103	0,340	0,948	4,236	х-с	кучли
12	260	20,360	0,415	2,491	10,630	0,510	0,505	5,321	х-с	кучли
13	240	21,075	0,550	3,677	10,145	0,510	0,924	4,790	х-с	кучли
14	200	20,800	0,219	3,799	9,814	0,420	0,554	5,703	х-с	кучли
15	200	24,150	0,403	3,027	12,706	0,550	0,530	6,681	х-с	кучли
16	185	20,415	0,573	2,700	10,900	0,450	0,929	4,697	х-с	кучли
17	160	28,100	0,494	3,480	13,800	0,430	1,410	5,891	х-с	жуда кучли
18	140	29,910	0,567	3,950	14,660	0,450	0,640	8,068	х-с	жуда кучли

Эслатма: х) г-с-гидрокарбонат-сульфатли, хх) х-с-хлорид-сульфатли



7-расм. Зомин конус ёйилмаси ерларининг тупроқ шўрланиши харитаси

Тадқиқотларда ўрганилган ҳудуд тупроқларининг асосий хоссалари, шўрланиш даражаси ва типлари, ер ости сувларининг асосий параметрларининг ўрганилганлиги, тупроқ қатламларидаги умумий ва заҳарли тузлар захирасининг аниқланганлиги, тупроқ-мелиоратив

ҳолатининг баҳоланганлиги, бир қатор тупроқларнинг «Механик таркиби», «Сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги» ва «Тупроқ шўрланиши» хариталарининг фермер хўжаликларида амалиётга жорий қилинганлиги, таклиф ва илмий асосланган тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги, қўйилган мақсад ва вазифалар ўз ечимини тўла топганлигини кўрсатади.

ХУЛОСАЛАР

1. Зомин конус ёйилмасининг мураккаб табиий шароитлари тупроқ ҳосил бўлиш ва шўрланиш жараёнларига кучли таъсир кўрсатган, ҳудудда табиий бирламчи ва антропоген иккиламчи шўрланган, шунингдек, шўртобланиш ва гипслашган ўтлоқи-бўз, бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларнинг ривожланишига олиб келган.

2. Шўрланишни содир этувчи ва тупроқ экологик-мелиоратив ҳолатини белгиловчи минераллашган ер ости (сизот) сувларининг сатҳи кенг ораликда тебраниб, юқори «Б» гидрогеологик зонадан, қуйи «В» зонага томон 4-6 метрдан 1-2 метргача, минераллашганлик даражаси 1,8-2,4 г/л дан 24,1-29,9 г/л гача, шўрланиш химизми гидрокарбонат-сульфатли ва сульфатлидан хлорид-сульфатли ва сульфат-хлоридли шўрланиш типларигача ўзгаради, шу йўналишда хлор-иони миқдори ортиб боради.

3. Зомин конус ёйилмаси ўтлоқи-бўз, бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларининг механик таркиби тупроқ профилида кум, кумлоқ ва лойли кичик қатламлар алмашилиб келувчи оғир, ўрта ва енгил кумоқлардан, шўртобли-шўрхоклашган ўтлоқи-бўз тупроқлари оғир кумоқ ва лойлардан иборат бўлиб, физик лой (<0,001 мм) заррачаларнинг миқдори 48,4-75,4% ни ташкил этади. Айрим кесмаларда юқоридан пастки қатламларга қараб енгиллашиб борувчи ва аксинча пастга қараб оғирлашиб борувчи, шунингдек, бир хил литологик тузилишдаги ҳолатлар кузатилади.

4. Тавсифланаётган тупроқларнинг устки ҳайдалма қатламидаги гумус, азот, фосфор ва калийнинг ҳаракатчан шакллари турли миқдорий кўрсаткичларда ифодаланиб, амалдаги классификацияга кўра жуда кам, кам, ўртача, айрим ҳолатлардагина юқори даражада таъминланган тупроқлар гуруҳларини ташкил этади.

5. Зомин конус ёйилмаси ҳудудидаги Зомин-Ховос конуслараро пастқамлигида тарқалган шўртобли-шўрхоклашган ўтлоқи-бўз ярим гидроморф тупроқларида, айнан шўртобли тупроқлар учун хос бўлган кам ғоваклик (33-39%), оғир механик таркиб (оғир кумоқ ва лойли), юқори даражада шўрланиш (1,5-4%), юқори ишқорийлик (рН 9,1-9,3 гача), юқори сингдириш сиғими (100 г. тупроқда 22-27 мг-экв), сингдирилган катионлар таркибида Na нинг юқори миқдори (48-87%), сульфат-магний-натрийли шўрланиш типи қайд этилди.

6. Зомин конус ёйилмаси ҳудудида ўрганилган (суғорилмайдиган ва суғориладиган) ўтлоқи-бўз, бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқлар турли даражада шўрланган, тупроқ-грунтлар профилида шўрланмаган (ювилган) ва кучсиз

шўрланган тупроқлардан кучли шўрланган ва шўрхоқларгача бўлган айирмалари қайд этилса, тузли горизонтларининг тупроқ профилида жойлашиш чуқурлиги, қатлам қалинлиги, тузлар миқдорига кўра эса шўрхоқли, юқори шўрхоқлашган, шўрхоқлашган, чуқур шўрхоқлашган ва чуқур шўрланган айирмалари кузатилади.

7. Тупроқларнинг шўрланганлик даражаси ва тузли горизонтларининг тупроқ кесмасида жойлашиш ўрни (чуқурлиги)га боғлиқ ҳолда, тузлар захираси ҳам турлича миқдорий кўрсаткичларда ўз ифодасини топган. Тупроқларнинг 0-1 метрлик илдиз қатламидаги сувда осон эрувчи тузлар захираси кенг ораликда тебраниб, шўртобли-шўрхоқлашган ўтлоқи-бўз тупроқларда 291-376 тоннани; захарли тузлар захираси 250-328 тоннани; шўртоблашмаган-кам шўрланган ўтлоқи-бўз тупроқларида мос равишда 160-199 ва 104-129 тоннани; бўз-ўтлоқи тупроқларида 257-280 ва 220-238 тоннани; ўтлоқи тупроқларда 255-434 ва 218-379 тоннани ташкил этади.

8. Худуд тупроқларининг шўрланиш химизми ва тузлар таркиби аниқланган, шўрланиш даражаси бўйича гуруҳларга (шўрланмаган, кучсиз, ўртача, кучли, жуда кучли) ажратилган, ҳар бир гуруҳ тупроқларга сифат ва миқдорий тавсифлар берилган, тупроқлар ҳолати мелиоратив нуқтаи-назардан баҳоланган. Тупроқларнинг устки 0-1 метрлик қатламидаги умумий ва захарли тузлар захираси бўйича тупроқлар: 1) Тузлар захираси жуда кам (0-50 т/га) - шўрланмаган, мелиоратив ҳолати жуда яхши. 2) Тузлар захираси кам (50-100 т/га) - кучсиз шўрланган, мелиоратив ҳолати яхши. 3) Тузлар захираси ўртача (100-200 т/га) - ўртача шўрланган, мелиоратив ҳолати қониқарли. 4) Тузлар захираси юқори (200-300 т/га) - кучли шўрланган, мелиоратив ҳолати ёмон. 5) Тузлар захираси жуда юқори (>300 т/га) - жуда кучли шўрланган, мелиоратив ҳолати жуда ёмон тоифаларга ажратилди.

9. 1:25000 масштабда тузилган «Тупроқларнинг механик таркиби», «Сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги» ва «Тупроқлар шўрланиши» карталари «Михлибой ота даласи», «Танҳо тут» ва «Иқром шижоати» фермер хўжаликларида амалиётга жорий этилиб, ижобий натижалар олинган. Бу карталардан тадқиқот худудининг бошқа хўжаликларида ҳам агротехник ва мелиоратив тадбирларни, жумладан шўр ювиш ишларини режалаштиришда, қишлоқ хўжалиги экинларини тўғри жойлаштиришда ва навбатлаб экишда, тупроқлар унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва оширишга доир чоратадбирлар белгилашда, айниқса шўр ювиш ишларида фойдаланиш тавсия этилади.

10. Зомин конус ёйилмасининг қуйи «В» зонасида ер ости (грунт) сувларининг кўтарилиши ва жадал шўрланиш жараёнларини олдини олиш, суғориладиган ерлар тупроқ-мелиоратив ҳолатини мақбул мезонларда ушлаб туриш учун, бу зона ерларида зовурлар солиштирма узунлигини 60-80 (100) пог.метр гача етказиш, юқориги «Б» зона ерларида эса, суғориш меъёрлари, техникаси ва тартиботларига қатъий риоя қилиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.В.05.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ
ФЕРГАНСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**

ГУЛИСТАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ХОЛБОВЕВ БАХРОМЖОН ЭРНАНАЗАРОВИЧ

**МЕЛИОРАТИВНОЕ СОСТОЯНИЕ ОРОШАЕМЫХ ПОЧВ
ЗААМИНСКОГО КОНУСА ВЫНОСА**

03.00.13–Почвоведение

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Фергана-2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.3.PhD/B224

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Гулистанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета при Ферганском государственном университете (www.fdu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Ахмедов Алмон Усманович
кандидат сельскохозяйственных наук,
старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: Турдалиев Авазбек Турдалиевич
доктор биологических наук, доцент

Сабитов Улмасбой Тожахмедович
доктор философских наук по биологии (PhD), старший
научный сотрудник

Ведущая организация: Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «20» 08 2022 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.B.05.03 при Ферганском государственном университете (Адрес: 150100, г.Фергана, улица Мураббийлар, 19. Тел (+99873) 244-44-02; факс: (99873) 244-44-93; e-mail: fardu_info@umail.uz).


С данной диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета. (зарегистрирован за № 176.) Адрес: 150100, город Фергана, улица Мураббийлар, 19. Тел (+99873) 244-44-94.

Автореферат диссертации разослан «06» 08 2022 года
(реестр протокола рассылки № 6 от 06 08 2022 г.)




Г.Юлдашев
Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.с.х.н., профессор


У.Б.Мирзаев
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, к.б.н., доцент


М.Т.Исагалиев
Председатель научного семинара по
присуждению учёных степеней, д.б.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире, по данным журнала *Ambio*, «ежегодно 1/3 части пахотных земель подвергается различным процессам деградации и отчуждается от производства 2 миллиарда тонны промытых почв ежегодно транспортируются в океаны речными потоками, 500 миллионов гектаров почв эродированы в различных уровнях, 40-60 процентов орошаемых земель засолены, 25 миллионов гектаров земель ежегодно превращаются в пустыни»¹. В этой цели, разработка научно обоснованных мероприятий по улучшению эколого-мелиоративного состояния земель, сокращению критической глубины минерализованных вод, площадей засоленных земель, восстановлению и повышению плодородия, является одной из важных задач.

В мире проводятся научно-исследовательские работы по ряду фундаментальных направлений по определению выхода почвы в мире, изменению под влиянием агрокультуры и оценке эколого-мелиоративного состояния, повышению плодородия и продуктивности почв. В связи с этим особое внимание уделяется определению причин накопления солей в почве, изучению динамики образования и формирования запасов солей в почвенных слоях, выявлению количества и запасов токсичных солей, оказывающих негативное воздействие на растения, составлению картограмм засоления почв, на основании которых устанавливаются нормы и сроки их проведения, предотвращению вторичного засоления.

На сегодняшний день в нашей республике в рамках государственных программ по улучшению, содержанию, повышению продуктивности и эффективному использованию орошаемых земель проводятся масштабные мелиоративные мероприятия и научно-исследовательские работы, достигаются определенные результаты. В стратегии действий развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы «...поставлены важные задачи по дальнейшему улучшению мелиоративной ситуации орошаемых земель, развитию сети мелиоративных и оросительных сооружений, внедрению интенсивных методов в области сельскохозяйственного производства, прежде всего современных агротехнологий, обеспечивающих экономию водных и ресурсных ресурсов»². В связи с этим большое значение имеет разработка научно-практических мероприятий, направленных на всестороннее изучение структуры и свойств почв республики, ликвидацию деградационных процессов, сохранение и повышение плодородия, предупреждение эрозионных и засоляющих процессов.

Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» №УП-4947 от 7 февраля 2017 года, Указ Президента Республики Узбекистан №УП-3024 «О мерах по

¹www.fao.org

²Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года

дальнейшему совершенствованию деятельности государственного комитета Республики Узбекистан по земельным ресурсам, геодезии, картографии государственному кадастру» от 31 мая 2017 года, Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве» №УП-5772 от 17 июня 2019 года и постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по более эффективному использованию земельных участков фермерских хозяйств и организации получения дополнительных доходов» №25 от 14 ноября 2017 года, а также другие нормативные документы, связанные с этой деятельностью, в определенной степени служат выполнению задач, указанных в исследовании данной диссертационной работы.

